



UZBEKISTON RESPUBLIKASI
INNOVATION
FONDJLANISH VAZIRLIGI

TARJIBA VAZIRLIGI

BOSHLANG'ICH TA'LIMGA RAQAMLI TEXNOLOGIYALARINI TATBIQ ETISHNING ZAMONAVIY TENDENSIYALARI VA RIVOJLANISH OMILLARI

XALQARO ILMIY-AMALIY ANJUMANI

MATERIALLARI



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МАКТАБГАЧА ВА БОШЛАНГИЧ ТАЪЛИМ ФАКУЛЬТЕТИ

БОШЛАНГИЧ ТАЪЛИМ МЕТОДИКАСИ КАФЕДРАСИ

**БОШЛАНГИЧ ТАЪЛИМГА РА҆ҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ТАТБИҚ
ЭТИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ВА РИВОЖЛАНИШ
ОМИЛЛАРИ**

**ХАЛҚАРО МИҚЁСИДАГИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН
МАТЕРИАЛЛАРИ**

2021 йил, 1 -2 апрель

БУХОРО - 2021

жараённида мантикий фикрлаш ва баҳолашга ўргатиш	
III ШЎЙБА	
ДАРСЛИКЛАРНИ ЯРАТИШДА РАҶАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ТАТБИҚ ҚИЛИШ	
<i>Назаренко Татьяна Геннадьевна.</i> Электронный учебник для школы: проблемы и перспективы создания	104
<i>Шатырко Лариса Алексеевна.</i> Психологические аспекты школьного учебника в контексте современных тенденций в системе образования	107
<i>Мишиanova А. И.</i> Применение интерактивных технологий на уроках русского языка в начальной школе	112
<i>Jumayev R. X.</i> Boshlang'ich sinf ona tili darsliklarining afzalliklari	115
<i>Oolloqova O'. M.</i> Ona tili darslarida o'quvchilarining lingvistik kompetensiyalarini takomillashtirishda ta'lif texnologiyalarining ahamiyati	119
<i>Jumayev R. X., Elmurodova Sh.T.</i> Ona tili darsliklaridagi didaktik materiallarni yaratish va ularni takomillashtirish	122
<i>Qosimova M.M., Qosimov F.F.</i> Taqqoslashga doir topshiriqlar ustida ishlash texnologiyasi	126
<i>Жумаева М.А.</i> Педагогика фанини ўқитишида ўқитувчи инновацион фаолиятини ривожлантириш омиллари	129
<i>Adizova N.B., Xudoibergiyeva H.</i> O'qish darslarini tashkil etishda pedagogik texnologiyalardan foydalanishning shakllari	132
<i>Ashurova A. E., Davlatovna E. D.</i> Buxoroga bosmaxonalarning kirib kelishi ona-tili adabiyotimizni texnologik rivojlanish omili	134
<i>Qosimov F. M., Ibrohimova M. F.</i> Boshlang'ich sinf matematika darslarida arifmetik amallarni qo'llashda ta'lif texnologiyalaridan foydalanish metodikasi	137
<i>Tog'ayeva U.Sh., Roziqova G.N.</i> Boshlang'ich sinf ona tili darslarida pedagogik texnologiyalardan foydalanish	139
<i>Abdullayeva F. N.</i> Pedagogik texnologiyaning asosiy jarayonlari	141
<i>Yusufzoda Sh.Y., Yusufzoda X.Y.</i> Boshlang'ich sinflarda o'qitishning zamonaviy axborot texnologiyalaridan foydalanish afzalliklari	144
IV ШЎЙБА	
БОШЛАНГИЧ ТАЪЛИМНИ ИНТЕГРАЦИЯЛАШНИНГ МЕТОДИК ИМКОНИЯТЛАРИ	
<i>Сахновская Елена Геннадьевна.</i> Методологические проблемы внедрения конвергентного подхода в начальном образовании	148
<i>Hamroyev A. R. Hasanova M. A. Toyirova N.</i> Birinchi sinf o'quvchilarida yozuv qurollaridan foydalanib, chiroqli yozuv malakalarini shakllantirish usullari	152
<i>Яценко Владимир Сергеевич.</i> География культуры игрушки как важный практический компонент интеграции начального образования	155
<i>Бабаева Ш.</i> Моделирование творческой деятельности учащихся при помощи проектированного обучения на уроках родного языка в начальных классах	158
<i>Жамилова Б.С.</i> Болалар китобхонлигини ташкил этишда педагогик таълим инновацион кластерининг самарадорлиги	162
<i>Джусураева Д. Ш.</i> Методические аспекты формирования творческой деятельности и развития творческих способностей учащихся в процессе решения задач	166
<i>Жумаев У.С.</i> Социокультурная среда и психологическое здоровье личности	172
<i>Узакова А.Б., Роҳатова З.И., Алимова А.Н., Фазилова Н.С. Бабаева Ш.Б</i> Системный подход к обучению языку и методическая система речевого развития школьников	177
<i>So'fiboyeva G. M.</i> Kichik yoshli bolalarda geometrik fazoviy fikrlashni rivojlanirish uslubi	181
<i>Sariyev Sh.U.</i> Boshlang'ich sinf o'quvchilarining nutqini o'stirishda o'qish va ona tili darslarini integratsiyalashning metodik imkoniyatlari	185
<i>Cho'lliyeva G.T., Siddiqova K.Q.</i> Boshlang'ich sinf o'qish darslarida pedagogik texnologiyalardan	187

БОЛАЛАР КИТОБХОНЛИГИНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ПЕДАГОГИК ТАЪЛИМ ИННОВАЦИОН КЛАСТЕРИНИНГ САМАРАДОРЛИГИ

**Б.С.Жамилова,
БухДУ доценти**

Аннотация. Мақолада болалар ижодий тафаккурини шакллантириши, болалар китобхонлигини ташкил этишда педагогик таълим инновацион кластернинг самарадорлиги ҳақида фикр юритилган. МТМ, умумий ўрта таълим, колледж-лицей, олий таълим ва ундан кейинги таълим босқичларида ўтказилаётган китобхонлик танловлари таълим кластеридағи узвийлик ва узлуксизлик асоси сифатида эътироф этилади.

Калит сўзлар: китобхонлик, инновация, кластер, узвийлик, узлуксизлик, тизим.

Аннотация. В статье рассматривается эффективность инновационного кластера педагогического образования в формировании творческого мышления детей, организации детского чтения. Соревнования по чтению, проводимые в МТМ, общем среднем образовании, колледже-лицее, высшем и послесреднем образовании, признаны основой преемственности и преемственности в образовательном кластере.

Ключевые слова: читаемость, инновации, кластер, членство, преемственность, система.

Annotation. The article discusses the formation of children's creative thinking, the effectiveness of pedagogical education innovative cluster in the organization of children's reading. Reading competitions held at MTM, general secondary education, college-lyceum, higher education and post-secondary education are recognized as the basis of continuity and continuity in the education cluster.

Key words: readability, innovation, cluster, membership, continuity, system.

Дунё яралганидан буён инсон омилининг муайян ижодий куввати тинимсиз ривожланиб, такомиллашиб келмоқда. Янги нарсаларни яратишга бўлган қизиқиши жадаллиги эътирофга лойик. Педагогик таълимдаги испоҳотлар, жумладан, инновацион кластер ҳам ана шундай ижодий тафаккур маҳсули сифатида диққатга сазовор. Бу ёруғ оламда жамият пайдо бўлганидан то ҳанузгача болалар олами ҳам катталар билан ёнма-ён яратувчилик тасаввурлари, ижодийлик характеристи билан камол топиб келмоқда. Энг қадимги даврларда яратилган халқ оғзаки ижодининг поэтик намуналари ижодий тафаккурнинг ёрқин ифодаси сифатида бизгача етиб келган. Инсонлар айнан тасаввур орқали эшитган воқеалари, ҳикоя қилингани эртаклар, достон ва маталлар мазмунини ўз хотираларида қайта жонлантириш орқали бой ижодий тафаккурлари авлоддан-авлодга силсилавий равишда ўтиб, ўсиб келган. Инсон камолотининг чўққиси ҳам аслида ижодий тасаввур ва тафаккурнинг муйян даврларда, муайян фаолият ва жараёнларда намоён бўлиши, шу орқали инсон шахсининг юқори даражада ривожланиб бораётганидан далолат беради.

Жумладан, болалар ижодий тафаккурини ривожлантиришда адабиёт ва бадиий асарлар шу маънода долзарб аҳамиятга эга.

“Айниқса, – деб таъкидлаган эди биринчи Президентимиз И.А.Каримов ўзининг “Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор” йўриқномасида, – биз учун ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлган болалар адабиётини ривожлантиришга алоҳида эътибор беришимиз, мустақил фикрлайдиган

шахсларнинг шаклланиши, ҳар кандай китобхонлик, мутолаа маданияти болалиқдан бошланишини доимо ёдда тутишимиз лозим”.⁴⁷

Дарҳақиқат, мамлакатимиз раҳбарининг болалар китобхонлигига, адабиётга бўлган эътибори ҳам мамлакатимиз ёш авлоди маънавий тафаккурида ижобий ўзгариш ясади. Чиндан ҳам мамлакатимиз раҳбарининг китобхонлик ва адабиётга бўлган муносабати нафақат фармойиш ва қарорларда, балки амалий ҳаракатларда ҳам якқол кўринаётир. 2017 йилдан буён ўтказилаётган анъанавий китобхонликнинг Давлат сиёсати даражасига кўтарилиши, айнан бадиий ижод намуналари, адабий асарлар бўйича болалар ва ўсмирлар салоҳияти синалаётганига ҳам маънавий тафаккуримиз янгиланиши самараси деб қараш мумкин. Шунингдек, Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 20 февраль куни Анқара шаҳрида Туркия Республикаси Президенти хузуридаги Халқ кутубхонасининг очилиш маросимида иштирок этиши, у ердаги нутқида:

– Дунёдаги ҳар қайси давлат, ҳар қайси ҳалқ биринчи навбатда ўзининг интеллектуал салоҳияти, юксак маънавияти билан қудратлидир. Бундай енгилмас куч манбаи эса аввало инсоният тафаккурининг буюк қашфиёти – китоб ва кутубхоналарда, – дея таъкидлаши ҳам шундандир.⁴⁸

Бундан ташқари, юртимиз раҳбарининг Бўка туманида ташкил этилган Маданият ва маърифат экопаркини бориб кўриши ва у ерда ёшлар учун яратилган шароитлар билан танишиб: “Худудларга китоб етказиб бериш яхши. Лекин уларни ўқиш, ўқитиш етарли даражада эмас. Болаларимизни **богча ёшидан, бошлангич синфлардан кичик-кичик китобларга ўргатиш**, шу орқали уларни китобсевар этиб улғайтириш зарур. Шундагина жамиятимизда китобхонлик муҳити шаклланади, бошқалар ҳам китоб ўқишга қайтади”, - деган сўзларида хикмат бор⁴⁹ (Таъкид бизники- Б.Ж.).

Инсон маънавий оламининг инкишофи, келажакнинг тамал тоши болаликда қашф этилиши руҳшуносликда қайд этилган. Болалик чиндан ҳам инсон умрининг бебаҳо даври сифатида бутун ажойиботлари билан катталарни ҳамиша ром этиб келган; катталар олами эса самимий ва болаларча беғуборлик тарқ этилган давр эканини англай билиш учун ҳам жамият тафаккурида янгиланиш эҳтиёжи заруратга айланган.

Бу жиҳатдан Ўзбекистон Республикаси Президентининг адабиёт, матбуот, таълим-тарбияга оид қатор фармойиш ва қарорлари, чиқарилаётган қонунлар эътиборга лойиқ. “Ҳаммамиз учун айни пайтда жуда муҳим аҳамиятга эга бўлган масала, – таъкидлайди Ш.М.Мирзиёев, – яъни китобхонликни кенг ёйиш ва ёшларимизнинг китобга бўлган муҳаббатини, уларнинг маънавий иммунитетини янада оширишга қаратилган ишларимизни янги босқичга олиб чиқиш вазифаси турибди”.⁵⁰

Бинобарин, таълим тизимидағи кластер болалар китобхонлиги доирасида тизимли ташкил этилаётгани болалар ижодий тафаккурини ривожлантиришга

⁴⁷ Ўзбекистон адабиёти ва санъати. // 2009 йил, 3 июль

⁴⁸ <http://uza.uz/oz/politics/shavkat-mirziyev-ar-aysi-davlat-ar-aysi-khal-intellektual-s-20-02-2020>

⁴⁹ <https://sputniknews-uz.com/society/20190602/11667426/Kitob-ish-darazhasi-etalri-emas--Shavkat-Mirziev.html>

⁵⁰ Ш.Мирзиёев Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик коидаси бўлиши керак. -Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017.

хизмат қилиши яққол англашилади, қолаверса, бунда таълим инновацион кластерининг амалиётга татбиқ қилинишини кузатиш мумкин. Негаки, бу ислоҳот тадқиқотчиларининг фикрича, шахснинг камол топиши ва етук кадр бўлишига қаратилган бўлиб, унинг боғлиқлиги – боғча, мактаб, лицей, колледж, олий ўкув юрти, докторантураси, малака ошириш каби жараёнларни қамраб олувчи бутун умр давомидаги таълим занжирини бир-бирига боғланганидир.

Таъбир жоиз бўлса, болаларнинг китобга ижобий муносабатини шакллантириш орқали ижодий тафаккурлашга ўргатишда бу тизим мухим роль ўйнайди. Чунки ўқувчиларнинг тасавурлари ва ижодий фаолиятларини кенгайтиришда китоблар, бадиий асар, шеър ва ҳикоялар зарурий воситадир. Бу ўқувчиларда тасаввур қилиш орқали ажойиб-гаройиботлар оламига “саёҳат” қиласидилар, асар қаҳрамонлари билан “мулоқотга киришадилар”, уларнинг ўрнига ўзларини қўйиб, муаммоли вазиятларга “дуч келадилар” ҳамда ундан чиқиб кетиш йўлини излайдилар. Бунинг ёркин мисолини етук болалар шоири К.Чуковскийнинг болалар асарлари ҳақидаги фикридан ҳам уқиш мумкин. Масалан, болалар китобхонлигининг энг кичик аудиторияси ҳисобланувчи мактабгача тарбия ёшидаги болаларга мўлжалланган шеърларнинг ҳар бир мисрасида рассом учун материал бўлишига катта аҳамият бериш, образ ва оҳанг бирикиб, бир бутунни ташкил этиши ҳақидаги фикрлари ҳамон долзарб. Шу сабабли бундай сифатга эга бўлган шеърларга “графикали шеър” деб таъриф берилади. Шунингдек, болалар учун ёзилган асарларда образларнинг зудлик билан алмашинуви, негаки кичкитойлар ҳали уларнинг сифатини эмас, ҳаракатларини қабул қилиши, зотан серҳаракат, персонажларга бой асарлар кичкитойлар қизиқишини орттириши ўринли таъкидланган.

Қўшиқ ва ракснинг ҳам шеър учун зарурлиги, шундан улар завқ-шавқ туюши кабилар ҳам шу маънода болалар китобхонлигининг мухим элементи саналган. Болалар учун ёзилган шеърларда поэтик нутқнинг юқори даражада мусиқийлиги ҳамда қофияси бир-бирига жуда яқин бўлиши кабилар аслида айнан болалар ижодий тафаккурининг шаклланиш босқичи ҳисобланади десак янглишмаймиз. Кичкитойлар ана шу завқовар элементларга қизиқиб, уни куйлайдилар, осонгина ёд оладилар, мухими эса шунга монанд янги сўз ва қофиялар топадилар. Бу жараён мактабга илк қадам қўйган кичик мактаб ёшидаги болалар китобхонлиги, ўсмиirlарни ҳам қамраб олгандагина, таълимнинг кейинги босқичларида ўқувчилар ҳар қандай бадиий асарни, шеърий матнни таҳлил қила олиш қобилиятига эга бўлишларига шубҳа йўқ.

Айтайлик, юқори синф ўқувчилари асар қаҳрамонларига тақлид қилиб кундаликлар, саёҳатномалар ёзадилар, турли-туман тадбирлар учун сценарийлар ёзадилар. Мазкур усуллар болаларнинг фикрлаш жараёнларини жадаллаштиради, идрокини фаоллаштиради.

Коллеж-лицей ҳамда олийгоҳ талабалари асардаги бирор муаммо ҳақида тушунчага эга бўлишлари керак (таълимнинг бу методида рангли, лавҳали суратлар, мавзуга оид 5-6 дақиқалик экранлаштирилган хужжатли фильмлар намойиш этилиб, қалтис вазиятларда “Менинг шахсий мулоҳазам?”, “Қандай йўл тутмоқ тўғри бўларди?” деган саволлар атрофида мушоҳада юритилади).

Ўқитувчи эвристик сұхбат орқали талабаларни ижодий мушоҳадага чорлайди, муаммоли вазиятлар яратып, уларни ижодкорликка, мустақил фикрлашға йўналтиришда юқори натижга беради. Бунда талабалар ахборотларни таҳлил этишда индуктив ва дедуктив метод, яъни оддийдан мураккабга ва аксинча, мураккаб вазиятлардан оддийга қараб борилади. Яна талабаларнинг ижодий-танқидий фикрлашини ривожлантиришга қаратилган самарали усуллардан бири эркин фикрлаш дарслари ҳисобланади.

Шу ўринда реал оламга назар ташласак, немис олимлари ва кашфиётчиларининг, шоиру ёзувчиларининг жаҳон ва Европа адабиёти, санъати, илм-фани тараққиётига қўшган ҳиссалари бекиёс эканини биламиз. Эйнштейн, Бисмарк, Гутенберг, Бетховен, Бах, Моцарт, Гёте... бу рўйхатни ҳали анча давом этириш мумкин. Лекин немислар таниқли аждодлари билан фаҳрланиш, уларнинг оламшумул ишларини мадҳ этишдан кўра, аксинча, давлат ва сиёsat янги, ёш лидерларни яратиш, танитиш, уларнинг ишларини халқ эътиборига тақдим қилиш, буюклиқ йўлида имкониятлар яратып бериш билан машғуллигини англаш мумкин. Балки шунинг учундир, - дейди тадқиқотчилар, - Германияда оламни лол қолдираётган, жуда катта от кучига эга, бутун бошли заводларни юритаётган роботларни яратган янги Эйнштейнлар; кесиб ташланган бармоқларни ўстираётган янги Гутенберглар этишмоқда.

Бундан аёнлашадики, ёш авлод камолоти учун ҳам педагогик таълимнинг инновацион кластерига эҳтиёж жуда зарур. Таълим тизимишинг барча бўғинлари ҳар бир соҳада ягона маслакда бирлашмоғи, ўзаро ҳамкорлик, манфаатдорлик асосида фаолият юритсагина, ОТМ профессор-ўқитувчилари билан МТМ ёки умумтаълим мактабларининг педагоглари бир муаммо- чинакам рақобатбардош кадр тайёрлаш мақсадида бирлашадилар.

Адабиётлар:

1. Ш.Мирзиёев Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017.
2. <http://uza.uz/oz/politics/shavkat-mirziyeev-ar-aysi-davlat-ar-aysi-khal-intellektual-s-20-02-2020>
3. Jamilova Bashorat Sattorovna, Nuriddinova Shaxnoza. O’zbek bolalar adabiyotida badiiy tafakkur yangilanishining tadriji. Til va adabiyot ta’limi. 2020-yil, 12-son, 20-27-b. https://tilvaadabiyot.uz/f/12-son_2020_jil_mukova-mun.pdf
4. Bashorat Jamilova. Description of the spirit of teenagers in uzbek children’s prose . MIDDLE EUROPEAN SCIENTIFIC BULLETIN ISSN 2694-9970 <https://cejsr.academicjournal.io/index.php/journal/article/view/134/136>

МЕТОДИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ФОРМИРОВАНИЯ ТВОРЧЕСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ И РАЗВИТИЯ ТВОРЧЕСКИХ СПОСОБНОСТЕЙ УЧАЩИХСЯ В ПРОЦЕССЕ РЕШИНИЯ ЗАДАЧ

Д. Ш.Джусураева

Термезский государственный университет. г.Термез (Узбекистан)

Аннотация. Интеллектуальная деятельность соответствует высокому уровню развития человека. Она составляет основу его теоретической деятельности, включающей